

# МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ЎРТАСИДА ТИББИЁТ СОҲАСИДАГИ ЎЗARO ҲАМКОРЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

*Холмуродов Дилшод Абдурашидович*

*ЖДПИ ўқитувчиси*

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон ва Россия мамлакатлари ўртасида медицина соҳасида ҳам олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларида муҳим самарага эришилмоқда. Энг муҳими шундаки, икки дўст давлат олимлари фаннинг илғор ютуқларидан биргаликда фойдаланишмоқда. Россия ва Ўзбекистоннинг Медицина институтлари соғлиқни сақлаш муассасалари ўртасида тажриба алмашиш, ҳамкорлик асосида бир-бирларига яқиндан ёрдамлашмоқдалар.

Шуни таъкидлаш жоизки, рус тиббиёт соҳасидаги шифокор олимлари XIX аср охири XX аср бошларида ўзбек халқининг таъбиот соҳасини ривожланишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишган эдилар.

Одамзод ўзининг ҳаёти давомида фарзанд кўриш, уни тарбиялаб вояга етказиш, кишилиқ тараққиётининг қайси босқичида бўлмасин, инсоннинг муқаддас бурчи ҳисобланган. Шу билан бирга инсон ҳаётида турмуш тарзида хавф – хатарли томонлари ҳам бўлган. Шулардан бири турли юқумли касалликлар мавжудлиги бўлган.

Инсон боласининг гўзаллигидан бошлаб турли касалликларга чалиниши бўлган. Бу касалликларнинг хавфлиси чечак, сарик, бугма безгак, қизамиқ, ичбуруғ каби касалликлар мавжуд бўлган. Бу касалликлар туфайли қанчадан қанча ёш гўдақлар нобуд бўлишган. вабо ва тиф касалликлар ёшу, катта-кичикнинг касалланишига олиб келган ва ёстиғини қуритишга сабаб бўлган. Аҳоли ҳаёти давомида бу юқумли касалликларга қарши доимий равишда кураш олиб боришган. Лекин бу касалликларни олдини олишга, даволашга баъзан ожизлик қилиб қолишган.

Россия империяси Ўрта Осиёни забд этгандан кейин ўлка аҳолисига медицина соҳасида ёрдам бериб бошлади. Бу даврда аҳоли тиббий ёрдам олиш учун асосан табибларга мурожаат қилишган. Табиблар аҳолини даволаш учун Шарқ медицинаси аналаридан фойдаланишган.

Ўрта Осиё халқларига тиббий ёрдам кўрсатиш учун биринчи марта 1883 йилда замонавий амбулатория Туркистонда очилди[2]. Шундан кейинги йилларда деярли бундай амбулаториялар барча шаҳар ва туманларда очила бошлади.

Айниқса рус врачлари ёрдамидан кишлоқ аҳолиси айниқса аёллар камдан кам ўта зарур ҳолатда медицина хизматидан жуда кам фойдаланишган. Мисол учун врач Т.А.Колосовани маълумотиغا қараганда Тошкент уездидаги Туркий амбулаториясида тиш духтирига даволанишга келган аёлларнинг кўпчилиги юзини очишга рози бўлишмаган. Духтирлар ноилождан аёлларнинг юзларидаги чимматни фақат оғиз ўрнини кесиб, даволашга мажбур бўлишган. Бу ҳолатдан келиб чиқиб, кўпчилик жойдаги

амбулаторияларда эркак врачлар билан бир қаторда аёл врачларни жалб қилиш ҳолатлари тезлаштирилган. Лекин кўпинча баъзи жойларга аёл врачлар етишмаган.

Дастлабки даврларда ҳомиладор аёлларнинг баъзи ҳолатларда ҳомила чаппа келганда, кесиб олиниши (кесарча) тўғри келганда врачларга қийинчилик туғдирган. Чунки аёлнинг қариндош уруғлари кўпинча рухсат беришмаган. Бу ҳолат аёлларнинг ўлимига сабаб бўлган.

Рус шифокорлари Ўрта Осиё аҳолисига меминнат ёрдам кўрсатишган. Камбағал аҳолига айниқса, хусусий амбулаторияси бўлган врачлар бепул даволаб беришган.

Рус шифокорларининг сайи-ҳаракати туфайли ўлкамизда юқорида айтиб ўтилган юқумли касалликлар аста-секин бартараф этилиб келинди. Ўлкамизда барча рус врачларига бўлган эътибор ва ҳурмат аҳоли ўртасида доимий равишда ортиб борди.

Маълумки, Ўрта Осиёнинг тропик обу-хавоси айрим юқумли касалликларни ривожланишига имкон яратган. Мисол учун, фақатгина Сирдарё вилоятида 1898 йили безгак наслидан 30 минг киши ҳаётдан кўз юмган[2;3].

Рус шифокорлари юқумли касалликларни олдини олишда, даволашда даво чораларини топишда ўзбек халқига яқиндан ёрдам берган эдилар. Улар орасида Я.М.Финкельштейн, К.О.Рейнгардт, Н.И.Шохор, А.П.Шишов, В.Л.Якимов[5]лар лейшманозга қарши, А.П.Федченко безгакка қарши муваффақиятли кураш олиб бордилар[2]. Н.И.Ходукин эса паразитология ва вирусология соҳасида катта иш қилди. Бу соҳада юртимизда 10 фан доктори, 29 фан номзоди тайёрланган эди[2;3].

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги ва Россия Федерацияси Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги ўртасидаги тиббиёт соҳасида ўзаро келишув доирасидаги тадбирлар Россияда, Ўзбекистонда ҳам ўтказиладиган турли қурултойлар, анжуманлар ва семинарларда иштирок этиш йўли билан тиббиёт фани соҳасидаги тиббиёт олимлари ва мутахассислари ўртасида тўғридан-тўғри алоқаларни ўрнатиш масаласига катта аҳамият берилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси Давлат санитар-эпидимиологик назорати органлари ўртасида инфекцион касалланиш ҳолати, эпидимиологик вазият ва ўта хавфли ва карантин касалланишлар прогнози тўғрисидаги маълумлотлар билан алмашиш тизими бўйича алоқа ўрнатилган. Профилактик тадбирларнинг ўтказилиши, соғлиқ учун хавфли озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш билан боғлиқ, озиқ-овқатдан захарланишларнинг ҳамма ҳодисалари бўйича иккала томон бир-бирини хабардор қилади, аҳолининг санитар-эпидимиологик фаровонлигини таъминлаш соҳасида санитар нормалар ва қоидалар, гигиеник нормативлар билан тизимли алоқалар ўрнатилган.

2004 йил 11 март Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислон Каримов Оқсаройда Россиянинг Москвадаги А.Бакулев номли Юрак қон томир жарроҳлиги илмий маркази директори Лео Бокерияни қабул қилди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон ва Россиянинг жарроҳлик соҳасида фаолият юритувчи мутахассислари ўртасида амалий ҳамкорликни янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашган[4]. Лео Бокерия 10 март куни академик В.Воҳидов номидаги республика ихтисослаштирилган хирургия марказида меҳрибонлик уйининг тарбияланувчиси бўлган, туғма юрак хасталигига чалинган икки боланинг ўта мураккаб жарроҳлик операциясини амалга оширган эди.

Ҳозирги кунда Тошкентда Москвадаги А.Бакулев номи юрак-қон томири жарроҳлик марказида илмий тадқиқот ишларини олиб борган кўп амалиётларини ўтаб тажриба тўпланган, ҳамда илмий даража олиб келган кардио-хирург Иброҳимов Нодир ёш юрагида нуқсони бор болаларни жараҳлик йўли билан уларни дарддан холи қилмоқда.

Худди мана шу Москвадаги қон-томир жарроҳлик марказида узок йиллар илмий изланишлар олиб борган, аспирантура ва доктарантурани ўтаб келган, фан номзоди, доцент, фан доктори, профессор даражаларини олган, Ўзбекистон қаҳрамони академик Равшан Курбонов профессионал хирург даражасига етишди. У Тошкентда ихтисослаштирилган кардиохирургия марказига етакчилик қилмоқда.

Равшан Курбонов фаолияти давомида юрак, қон-томир соҳасида илмий изланишлар олиб бориб, 10 дан зиёд фан доктори 23 та фан номзодини етиштирди. Шу йиллар давомида Республикамизда юрак хасталикларидан вафот этаётган касаллар сони кескин камайди.

Чунки, Республикамизнинг 9 вилоятида ихтисослаштирилган кардиохирургия марказлари ташкил этилди. Чет элларда Ҳиндистон ва Россия каби мамлакатларга катта ҳаражат эвазига бориб келаётган ватандошларимизнинг сони ҳам кескин камаймоқда. Мана шу ташкил этилган марказларда юрак қон-томири билан азият чекаётган беморлар шифо топиб соғайиб кетаяптилар. Мисол учун, 2021 йил январ ойида Жиззах вилоятининг Жиззах шаҳрида илк бор Тошкентдан келган кардиохирурглар ёрдамида Жиззахлик шифокорлар жарроҳлик операциясини муваффақиятли ўтказишиб бемор юрагига электро-кардиостимулятор ўрнатиб, уни нормал ҳаётга қайтардилар. Бундай албатта, бемор ва унинг қариндошлари Ҳукуматимиз томонидан яратилган шарт-шароитлардан хурсанд бўлишди.

Равшан Курбонов раҳбарлигидаги етишиб чиққан фан номзодлари, фан докторлари ўз навбатида вилоят марказларида ҳам шу соҳанинг етук мутахассисларини тайёрлаб мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасида ўз хиссаларини муносиб равишда қўшмоқдалар.

Академик Равшан Курбонов раҳбарлигида “Ал-Химик” доирасида юракка малҳам бўладиган дори-дармон ишлаб чиқилмоқда. Ушбу дориларнинг самарадорлиги юқори эканлигини Россия шифокорлари ҳам юксак баҳо беришди. Равшан Курбонов фан-техника бўйича биринчи даражали Давлат мукофотиغا сазовор бўлди. Ҳозирги кунда юқори малакага эга бўлган жарроҳ Равшан Курбонов бошчилигидаги шифокорлар юракни кўчириб ўтказиш устида илмий тадқиқот ишларини олиб бормоқдалар[7].

Албатта, бундай медицина соҳасидаги юқори натижаларга эришишимизда Россия медицина соҳасидаги олим-шифокорларининг ҳиссаси каттадир.

Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳридаги болалар хирургияси маркази билан Россия Федерацияси Иркутск области, Иркутски болалар хирургияси шифохонаси билан мустаҳкам узвий алоқалари тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Ҳар икки томоннинг ўзаро алоқалари шифокор олимлари ва ҳаттоки аҳоли орасидаги мижозлари билан ҳам узвий алоқалар ўрнатилган.

Тошкент шаҳрида кўз ёриши оғир келган, ноилож бўлиб оғир ахволга тушган аёлни қутқариш учун номи жаҳонга машҳур бўлган Иркуток болалар хирургияси бўлими кафедрасининг мудирини профессор Юрий Козловни топиш учун унга интернет орқали телефонга чиқишади. Юрий Козлов шу пайтлари Туркиянинг Истанбул шаҳрига чақирилган бўлади. Телефондан бу хабарни эшитгач, операциядан кейин зудлик билан 2021 йил янги йил "Рождество" байрами нишонланишига қарамай ва пандемия шароитларидаги тўсиқларга қарамай шошилинич равишда Тошкент болалар хирургияси марказига етиб келди. Хомилани кесерча усулида операция қилиб туғуладиган болани яшаши учун унга ҳаёт бахш этади. Беш кун давомида 20 дан зиёд энг муҳим жарроҳлик операциясини ўтказиб, кўпчиликнинг ҳурмат эътиборига сазовор бўлди. Операциялар ичида оддий операциядан тортиб мураккаб операцияларни Тошкентлик ўзбек шифокорлар билан биргаликда амалга оширади. Ўзининг мураккаб жарроҳлик операцияси билан ўз ҳамкасблари билан бирга тажриба алмашади.

Болалар хирургиясида яна бир мураккаб томони бор экан, у ҳам бўлса медицина жиҳозлари. Бу масала ўз ечимини хусусий клиникаларда топган экан. У ҳам бўлса Алишер Усмонов ҳомийлигида Россиядан келтирилган қимматбаҳо турадиган медицина жиҳозлар хусусий клиникаларда мавжуд экан. Бу масалада давлатга қарашли болалар хирургиясининг шифокори жарроҳ, профессор Юрий Андреевич Козловнинг ҳамкасби Баҳодир Эргашов ўз фикр ва мулоҳазалари билан ўртоқлашди.

2021 йил 5 январь куни Юрий Андреевич Козлов 10 ойлик гўдакни туғма буйрак етишмовчилигини жарроҳлик йўли билан дарддан халос қилган. “Яхшиямки бахтимизга Россиялик шифокор юртимизга келиб қолди. Биз бир қатор вариантларни излаётган эдик, Туркиягами, Россиягами балки Ҳиндистонга боламизни олиб борсакмикан деб суриштираётган эдик. Боламиз операциядан яхши шифо топиб чиққанидан Юрий Козловдан бир умр миннатдоримиз” – дея хурсандлигини ич-ичига сиғдира олмаган гўдакнинг отаси Санжар Худойбердиев ва унинг оиласи Юрий Козловга миннатдорчилик изҳор қилган.

Худди шунингдек бошқа жарроҳлик ўтказилган болаларни ота-оналари, қариндош уруғлари ҳам Юрий Андреевичга ўзларини дил изҳорларини билдиришди. Албатта бундай муваффақиятли жарроҳлик операциялари фан ва техниканинг ютуқлари билан боғланганлиги такидланди.

Юрий Козлов юқори малакали шифокор бўлиши билан бирга инсоннинг энг яхши фазилатларини ўзига жо қилган инсон экан. Ҳеч қачон меҳнатини

хеч кимдан аямайдиған шифокор бўлиб, меҳнатини ҳақини тама қилмас, пул олмас экан. Шу боисдан ҳам жаҳонда машҳур, эл ҳурматиға сазовор бўлган, буюк шифокор, талантли инсон экан.

2020 йили Юрий Андреевич Козловни АҚШ конгресси жаҳон болалари хирургиясининг энг яхши шифокори деб тан олинбди. Жаҳоннинг кўпчилик мамлакатларининг болалар хирургияси соҳасида ишлаётган жарроҳлар Юрий Андреевич Козловни билишар экан. Шу боисдан улар болалар хирургияси бўйича мураккаб операциялари бўйича муаммолар туғилса Юрий Козловни чақиртирар экан.

Юрий Козлов Тошкентлик профессор шифокорлар билан суҳбатлашар экан Янги Ўзбекистондаги ўзгаришлар билан қизиқаётганини айтибди. Қани вақтим бўлса Ўзбекистон билан уни гўзал кўхна шаҳарлари ва табиати билан танишсам деб, ўз истиғи борлигини билдирган[6].

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги ва Роспотребнадзор ўртасида тропик касалликлар ва инфекциян касалланишлар билан курашиш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги Меморандум 2011 йил апрельда имзоланган. Ушбу меморандум доирасида 12 эпидимиолог мутахассислар Москвада қисқа муддатли курсларда ўз масалаларини ошириб келдилар.

2011 йилнинг охирида Россия Федерациясининг 106 та фирма ва компаниялари 954 номдаги ўз маҳсулотларини рўйхатға олишди ва Ўзбекистондаги даволаш муассасаларида тиббий амалиётда қўллаш учун рухсат беришди[6].

“Дори-дармон” ДАК ва унинг бўлинмалари томонидан “Фармстандарт”, “Московский эндокринный завод”, “Новосибхимфарм”, “Щелковский витаминный завод” каби рус фарм препаратлар ишлаб чиқарувчилари билан ҳам ҳамкорлик ўрнатилган, Туберкулёзға қарши препаратларнинг полимерли модификациясини ишлаб чиқариш технологияларни ишлаб чиқиш бўйича қўшма тадқиқотлар ўтказиш учун масалалар “Ниармедик плюс” компанияси билан шартнома имзоланган[7]. Бу шартнома бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда, улардан олинаётган дори-дармонлар, ўзбекистоннинг тиббиёт бўлинмаларида самарали фойдаланилмоқда.

“Бином”, “Практика” тиббий адабиёт етакчи нашриётлари билан икки томонлама ҳамкорлик ўрнатилган. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги ва Россия Федерацияси Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги ўртасида соғлиқни сақлаш ва тиббий фанлар соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги Келишув[8] доирасида тиббиётнинг деярли барча соҳалари камраб олган.

Хирургия, урология, кардиология, кўз микрохирургияси ихтисослашган республика марказлари, фавқулодда тиббий ёрдам республика илмий маркази ва унинг вилоят филиаллари, шунингдек, бошқа тиббий марказлар, республика ИТИ клиникалари мутахассислари Россиянинг етакчи тиббиёт муассасаларида мутахассислик ва қайта тайёрлашни мунтазам ўтказиб келинади: Н.В.Склифосовский номли тез ёрдам ИТИ, Москвадаги А.Н.Бакулев номли юрак-қон томирлари хирургияси илмий маркази, Санкт-

Петербургдаги И.И.Джанелидзе номли тез ёрдам ИТИ, Н.Н.Бурденко номли нейрохирургия ИТИ, Новосибирск травматология ва ортопедия институтида, РТФА эндокринология марказларида, Ўзбекистонлик шифокорлар малака ошириб келишди. 2010 йилнинг 20 декабрига қадар Россиядаги тиббий муассасаларга амалиёт, семинарлар, конгресслар, курултойлар ва бошқа илмий форумларда юқорида номлари келтирилган медицина марказларида республикадаги тиббиёт марказларининг 104 нафари иштирок этиб келишган[7].

2019 йили Хитойнинг Ухан шаҳрида аниқланган коронавирус “COVID-19” деб номланган пандемия бутун жаҳонга тарқалди. Бундай ҳолатга Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотлари, умуман олганда барча мамлакат соғлиқни сақлаш муассасалари юқумли инфекцияга дуч келмаган. Бунга бундай юқумли “COVID-19” қарши курашиш учун бутун жаҳон Соғлиқни Сақлаш ташкилотлари, мутахассислари биргаликда курашга тинтилдилар.

Ўзбекистонда ҳам дастлабки вирус 15 мартда аниқланиб, уни юқтириб олганлар сони кун сайин ошиб борди. 2021 йил январ ойига келиб, бу инфекцияни юқтириб олганлар сони 76 мингтадан ошиб кетди

Ўзбекистон ҳукумати Соғлиқни Сақлаш вазирлиги ўзларининг гуманитар бурчларига содиқ бўлиб, Россия, Хитой, Жанубий Корея, кўшни қардош мамлакатларга ва бошқа мамлакатларга коронавирус инфекциясига қарши медицина жиҳозларини юбордилар. Ўз навбатида дўст, ҳамкор мамлакатлар ҳам Ўзбекистонга ўзларининг гуманитар бурчларига содиқ эканликларини изҳори сифатида Ўзбекистон халқига медицина жиҳозлари, дори-дармонлари ва шифокорлари билан ёрдам бердилар.

Россия Федерацияси бир неча бор Ўзбекистон Республикасига пандемияга қарши курашиш мақсадида 2020 йил август-сентябрь ойларида медицина соҳасидаги юқори малакали шифокорларни юборди.

Москвадаги Прагов номидаги анестезиология, ва реанимология жарроҳлик марказининг етакчи олим – шифокорлари Михаил Замятин етакчилигида Ўзбекистонга келиб, ўзбек шифокорларига ўз тажрибалари билан ўртоқлашди. Уларнинг фикрига Ўзбекистон қуёшли ўлка бўлишига қарамай аҳолисида “Д” витамини етишмас экан. Чунки, Ўзбекистондаги чанг ва кумли унсурлар кўп, шу боисдан ҳаво қатламидан ультра фиолетни ерга етишига тўсқинлик қилиши мумкинлигини айтишди.

Лекин, Ўзбекистоннинг ўзига хос нози неъматлари Ўзбекистон аҳолисини иммун тизимини кучайтиради. Коронавирусни кенг тарқалишига имкон бермаслигини таъкидлашди.

Россиядан турли минтақасидан келган мутахассислари орасида инфекционестлари, вирусологлари, эпидемологлари Тошкент, Самарқанд ва Жиззах вилоятларида бўлишиб, август ойининг бошларида “COVID-19”га қарши ўзбек шифокорлари билан бирга турли медицина шифохоналарида беморларни соғайтириш учун қўлларидан келган беминнат ёрдамларини аямадилар[3].

2020 йили 25 августдан то сентябргача бир группа 39 кишидан иборат Москвадаги Петербургдан ва Татаристондан Россиянинг етук

мутахассислари Ўзбекистонга келишди. Улар орасида инфекционистлар, реаниматологлар, пульмонологлар, жарроҳлар, кардиологлар, невролог ва бошқа мутахассис шифокорлар бор эди. Булар айниқса ўша пайтдаги қизил худудларда бўлишиб, Ургенч, Тошкент, Самарақанд, Термиз ва бошқа худудларда бўлишиб, ўзбек ҳамкасбларига амалий ёрдам кўрсатишди.

Уларнинг асосий вазифалари стационарда бўлишиб, коронавирусдан қийин аҳволга тушиб қолган касалларни даволашга эътибор қаратишди. Улар ҳар куни камида 500га яқин мураккаб ҳолатдаги беморларга кўмаклашдилар, ҳар бирини касалликнинг оғир ва енгил кечиши бўйича ўз фикр мулоҳазалари билан ўзбек шифокорлари билан тажриба алмашдилар.

Россиялик шифокорлар Ўзбекистонда коронавирус инфекцияси учун яратилган шарт-шароитларга юксак баҳо бердилар.

Ўзбекистоннинг барча худудларида ҳозирги замон, жаҳон андозаларига жавоб бера оладиган улкан ишлар амалга оширилганлигини мамнуният билан қайд этдилар. Ўзбек шифокорларининг пандемияга қарши қўллаётган чора-тадбирларини қўллаб-қувватлаб, мақулладилар.

Ўзбекистонликларнинг ҳукумат ва соғлиқни сақлаш Вазирлиги томонидан эълон қилинган карантин шароитига, аҳоли томонидан уни бажарилаётганлигидан мамнун бўлдилар. Ҳамманинг ниқоб тақиб, 2 метр оралиқ масофани сақланиши, антисептик чораларни барча жойларда тўлиқ амал қилинаётганлигини ўз кўзлари билан кўрдилар. Тўй, йиғилиш, кафе, чойхоналарда ва бошқа жамоат жойларида карантин ҳолатларига кучли эътибор қаратилаётганлигини таъкидладилар.

Россиялик мутахассислар фикрича Ўзбекистондаги қўлланилаётган интизомли тартиблар, коронавирус пандемиясини кенг тарқалиб кетмаслигига ҳамда бу касалликнинг тезда чекиниб кетишига умид билдирдилар. Улар ўзлари билан коронавирус инфекциясига қарши курашиш бўйича бир қанча методик қўлланмалар олиб келганликларини айтдилар. Улар бу қўлланмалар беморларни даволашда ўзбек шифокорларига ўз тажрибалари сифатида қолдирдилар[3]. Бу қўлланмаларда нафақат россиялик шифокорларнинг балки жаҳон соғлиқни сақлаш бўйича қўлланаётган тажрибалар ҳам ўз ифодасини топган. Албатта жаҳонда коронавирусга қарши қўлланилаётган тажрибалар Ўзбекистон шифокорлар учун ҳам қўл келади ва беморларни тезроқ соғайиб кетиши учун самарали натижалар беради, деб умид қилдилар.

Коронавирус пандемиясини даволашда рус мутахассислари тажрибаларидан келиб чиқиб, ўзбекистонлик шифокорларнинг ҳам беморларни даволаш давомида орттирган тажрибалари билан ҳам Россиялик шифокорлар билан ўртоқлашишди. Ҳар икки томон шифокорлари ўзларининг методларидан келиб чиқиб, касалларни биринчи, иккинчи кунида ва кейинги кунларида вирусга қарши кураш терапия ва симптомларига қарши қўлланилаётган мулоҳазалари тўғрисида тажриба алмашдилар.

Ўзбекистонда касалларни даволашда ўзига хос услублари борлигини ҳам таъкидлаб ўтишди. Ўзбекистонда коронавирусга чалинганларнинг ҳар хил ҳолатлари мавжуд. Бу касалланганлар оғир, баъзиларида эса енгил

формада кечаяпти. Бундай ҳолатларда беморларни чуқур анализ қилган ҳолда даволаш муолажаларини қўллашга тўғри келишини қайд этдилар. Бундай ҳолларда Россияда қўлланилаётган горманал ва микробга қарши препаратлардан анализ қилган ва унга мувофиқ ҳолда этапма-этап фойдаланилган[3]. россия шифокорларининг инфекцияга қарши қўллаётган мулоҳажалари ўзбек шифокорларига ҳам қўл келиши мумкинлигига таъкидлаб ўтилган.

Россия ва ўзбек шифокорлари ўртасида реператив терапия тўғрисида тажриба алмашдилар. Кўпчилик беморлар коронавирус инфекцияси даврида нафас олиш ҳолатини бузилиши билан қийин мураккаб ҳолатга тушиб қолишади. Улар шифокорларга ҳаво етишмаслиги билан мурожаат қилишади. Умуман олганда 80% беморлар енгил ёки ўрта ҳолатдаги формада касалхонага тушади. Бундай ҳолатдаги беморларга оддий ингалиция бурундан катетер ёрдамида кислород юборилади. Бундай беморлар тез тугалиб кетади.

Шундай қилиб, Россиядан келган юқори малакали шифокор олимлар, врачлар ўзларининг қимматли вақтларини аямай ўзбек олимлари ва шифокор врачлари билан коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларни даволашда ўз тажрибалари билан ўзаро мулоқотда бўлдилар. Бундай тажриба алмашишлар пандемияни даволашда, уни тарқалиб кетишини олдини олишда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ўзбекистон Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги ва бутун ўзбекистонлик шифокорлар ва ўзбек халқи номидан россиялик шифокорларга ўз миннатдорчилигини билдиришди.

Рус ва ўзбек олимлари ҳамкорликда коронавирусга қарши ниҳоятда самарали ва тасирчан бўлган даволаш усулини ишлаб чиқдилар. 2020 йил апрель ойидан бошлаб медицина фанлари доктори профессор Борис Оксенгендлер бошчилигидаги ўзбек олимлар илмий тадқиқот ишларини олиб бораётган эди. Илмий тадқиқот ишларига Уралъ Ферераль университетининг олимлари ҳам жалб этилган эди. Чунки, Борис Оксенгендлер Уралъ Федераль университетининг ҳам фахрий аъзоси ҳам эди.

2021 йилнинг январь ойига келиб, илмий тадқиқот ишларининг натижасига кўра ишлаб чиқилган ренген ва ультрафиолетнинг кичик дозаси коронавирус инфекциясини йўқ қилиш хусусиятига эга эканлигини исбот қилинди. Ушбу ишлаб чиқилган перепарат инсон танасига қўлланганда у нафақат коронавирус инфекциясини балки бошқа салбий хусусиятга эга бўлган инфекцияларни ҳам бартараф қилиш хусусиятига эга эканлигига ўз исботини топган.

Ҳозирги кунда икки мамлакат олимлари ушбу ишланмани синовлардан муваффақиятли ўтказиб даволаш услублари устида ишламоқдалар. Бу препаратнинг энг муҳим хусусиятидан яна бири инсон танасига юборилганда РНК малекуласининг клеткасига тушган вирус тезда деформацияга учраб, нобуд бўлар экан[2].

Ўзбек ва рус олимларининг яна бир натижали ютуқлари шундан иборатки, инсон яшаётган турар жойлар, озиқ-овқат маҳсулотлари, мевалар



сабзавотларга ҳам радиация усулининг қўлланиши уларни вируслардан асраш мумкинлигини аниқламоқдалар.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва жаҳон мамлакатларининг соғлиқни сақлаш олимлари коронавирус ташхиси қўйилгандан бери тасирчан дориларни ишлаб чиқиш устида ишламоқдалар. Буни исботи ўлароқ, Россия, Хитой, Америка каби мамлакатларда вакциналар ишлаб чиқарилиб, инсонларга хоҳловчиларга эмлаш ишлари олиб борилмоқда.

Ҳозирги кунда Россия ва Хитойда ишлаб чиқилган вакциналар бизда ҳам хоҳловчиларга ихтиёрий равишда қўлланилмоқда. Яқин орада барча аҳолига эмлаш ишлари қўлланилиши маълум қилинмоқда.

Шундай қилиб, Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги медицина соҳасидаги алоқалар ниҳоятда самарали кечмоқда. Бундай ривожланган мамлакатлар билан ҳамкорлик қилиш Ўзбекистон медицинасини ривожлантирибгина қолмай, балки ривожланган мамлакатларнинг медицинаси даражасига кўтармоқда. Янги Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотлар барча соҳа каби тиббиёт соҳасида ҳам муҳим ютуқларни қўлга киритишга имконият яратиб бермоқда. Икки мамлакат ўртасидаги тиббиёт соҳасидаги дўстлик алоқалари тобора мустаҳкамланиб халқларимизни соғлиғини мустаҳкамлашга, уларнинг мушуқулларини енгиллаштириб, узоқ вақт, соғ-саломат яшашлари учун замин яратиб бермоқда.

Шунингдек Россия турли минтақаларининг тиббиёт олийгоҳлари ва тиббиёт муассасалари билан республика минтақаларининг икки томонлама алоқаларни йўлга қўйишга Республикаимизнинг Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги томонидан катта эътибор қаратилмоқда. 2008-2018 й.й. давомида республикаимизнинг Соғлиқни Сақлаш Бошқармалари томонидан 20 дан ортиқ шартномалар имзоланган. Хусусан, Новосибирск вилоятининг соғлиқни сақлаш Департаменти ва Наманган вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси, Қашқадарё вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси Томск билан шунингдек Қорақалпоқистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги Россия Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги ўртасида, Андижон вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси Қозон Тиббиёт Университети билан мустаҳкам ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган. Ўтган даврда ушбу соҳаларнинг барчаси Наманган вилоятидан келган 96 нафар тиббиёт мутахассислари қисқа муддатли амалиёт, малака ошириш ва етакчи тиббиёт олийгоҳларида ва тиббиёт марказларида малака ошириш курсларида бўлишган. Охириги тўрт йил ичида 300 минг АҚШ доллари қийматида Россиядан Ўзбекистон тиббиёт олийгоҳлари учун ўқув адабиётлари сотиб олинган[13].

Маълумки, 2018 йил 18-20 октябрь кунларида Россия Президенти Владимир Путиннинг ташрифи доирасида Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасидаги ҳудудлараро ҳамкорлик форуми ўтказилди. Форумда Россиянинг 17 ҳудудидан 1000 га яқин ишбилармон доира вакиллари, йирик компаниялар раҳбарлари иштирок этишди. Асосий мақсад ҳудудлараро алоқаларни ривожлантириш, жойларда қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, тармоқлар ва ҳудудлараро кооперацияларни чуқурлаштириш, технологиялар алмашувини

жадаллаштириш каби ҳамкорлик алоқаларни мустаҳкамлаш бўлди. Мисол учун, Россиянинг Екатеринбург шаҳридаги ташриф буюришган “Хост”, ва Биомед “Соколково” компаниялари ҳамда Татаристоннинг Қозон шаҳридан ташриф буюрган. “Эйдос-медицина” компанияси асосан соғлиқни сақлаш соҳасида жаҳон миқёсида катта нуфузга эга бўлган тиббиёт вакиллари Тошкентда бўлишди.

Улар ташрифи доирасида Ўзбекистон Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги ҳамда тиббиёт олий ўқув юртлари вакиллари билан медицина соҳасига оид ҳамкорлик масалаларини муҳокама қилишди. Шунингдек, тиббиёт соҳасида ўзаро тажриба алмашиш, биргаликда Тошкентда юқори даражадаги технология тиббиёт марказини ташкил этиш, ноёб жарроҳлик амалиётларини биргаликда ўтказиш, керакли тиббиёт воситаларини биргаликда ишлаб чиқариш бўйича келишувга эришилди[14].

#### **ADABIYOTLAR RO‘YXATI:**

1. Россия-Узбекистан: дорога к союзническим отношениям. Т. 2016. Стр. 290.
2. Ўз Р.МДА.Ф.142.рўйхат.1.,сақл.бир.51.3-бет.
3. С.Б.Шодмонова. КН; личность “время” Николай Астроумов? Востоковод..., летописец эпохи. Т., 2017. С-206.
4. Оқсаройда қабул. “Халқ сўзи”, 2004 йил, 12 март.
5. Тошкент ихтисослаштирилган кардиохирургия марказининг жорий архиви, материаллари асосида тайёрланди. 2019 йил декабрь.
6. <https://vestiink.ru>. “Доктор Юра”. Детски. “Тошкент ҳақиқати”. 2021 йил 7 январь.
7. Ўз Р.МДА.Фан технология Агентлиги жорий архиви ахбороти 5-варақ.
8. Ўз Р.МДА.Фан технология Агентлиги жорий архиви ахбороти Ўз.Р.МДА. Ф.М-7, рўйхат 1, сақл. бир. 4948. 113-114-бетлар.
9. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги жорий архиви. 16 сентябрь 2019 йил.
10. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги жорий архиви. 16 сентябрь 2021 йил.
11. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги жорий архиви. 16 сентябрь 2019 йил.
12. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги жорий архиви. 2021 йил январь.
13. Ўз Р.МДА. Фан ва техника Агентлиги жорий архиви ахбороти, 6-варақ.
14. Дверь в инновационное лето. «Правда Востока», 19 октября 2018 года